**ТАСДИҚЛАЙМАН**
**СамДТУ ҳузуридаги иммунология,**
**аллергология ва инсон геномикаси**
**илмий-амалий маркази директори**
**Д.К. Холмурадова**

**«___» __________ 2025 й.**

## Техник топширик

2025-йилда Самарқанд давлат тиббиёт университети ҳузуридаги иммунология, аллергология ва инсон геномикаси илмий-амалий марказида 3 та йўналишда: “Тиббий генетика”, “Иммунобиология ва иммуноферментатив диагностика” ва “Аллергология ва иммунология” мутахассисликлари бўйича касбий ривожланиш курсларини ташкил этиш ва ўқув дастурларини ишлаб чиқиш учун маслаҳатчи (эксперт) жалб қилиш

| **I. Тадбир хакида малумот** |
|---|
| **Топшириқ номи:** “Тиббий генетика”, “Иммунобиология ва иммуноферментатив диагностика” ва “Аллергология ва иммунология” мутахассисликлари бўйича касбий ривожланиш курсларини ташкил этиш ва ўқув дастурларини ишлаб чиқиш учун маслаҳатчи (эксперт) жалб қилиш<br><br>**Лойиҳа номи:** The Scientific-Practical Center of Immunology, Allergology and Human Genomics as a future leading scientific, educational and clinical center in Uzbekistan and Central Asia<br><br>**Шартнома тури:** Пуллик хизмат кўрсатиш шартномаси<br><br>**Муддати:** шартнома имзоланган кундан бошлаб 2025-йил 30 ноябргача<br><br>**Иш жойи:** Самарқанд шаҳри, Ўзбекистон |

| **II. База** |
|---|
| *Лойиҳанинг мақсади:* Самарқанд давлат тиббиёт университети ҳузуридаги иммунология, аллергология ва инсон геномикаси илмий-амалий марказини модернизация қилиш дастури асосида Ўзбекистон кадрларни қайта ўқитиш, малакали мутахассислар тайёрлаш, илмий салоҳиятни ошириш, шунингдек, марказнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида интеллектуал ресурсларни жамлашга имкон беради. Самарқанд давлат тиббиёт университети ҳузуридаги иммунология, аллергология ва инсон геномикаси илмий-амалий марказининг стратегик мақсади марказ Ўзбекистон ва Марказий Осиёнинг фундаментал ва клиник тиббиёт соҳасидаги етакчи илмий-клиник муассасаларидан бирига айланиб, юқори малакали тиббиёт ва илмий кадрлар тайёрлашда, илғор илмий-тадқиқот ишларини олиб боришда, касалликларни эрта аниқлашни кучайтириш, аллергик касалликларни даволаш, ирсий касалликларни келиб чиқишини чуқур ўрганиб бу касалликларни олдини олишда меҳнат қиладиган, халқаро стандартларга мувофиқ билимли кадрларни тайёрлаш.<br><br>*Лойиҳа* Жаҳон банки томонидан МУНИС лойиҳасининг "Public Research Institutions Modernization (PRIM)" grant дастури доирасида молиялаштирилади. |

| III. Топшириқ максади |
| --- |
| “Тиббий генетика”, “Иммунобиология ва иммуноферментатив диагностика” ва “Аллергология ва иммунология” мутахассисликлари йўналишида қайта тайёрлаш курслари учун ўқув дастурларини ишлаб чиқиш мақсадида эксперт йўллаш. |

**IV. Вазифалар**

Дастур Самарқанд давлат тиббиёт университети хузуридаги иммунология, аллергология ва инсон геномикаси илмий-амалий марказида мутахассисликлар тайёрлаш учун ишлатилади.

**Жалб этиладиган маслаҳатчи (эксперт) вазифалари:**

1. Қуйида келтирилган ҳар бир йўналиш бўйича тақдимот ва ўз-ўзини назорат қилиш материалларини ўз ичига олган ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ишлаб чиқиш:

1.1. **“Тиббий генетика” бўйича қуйидаги мавзуларда:**

**1.2. “Иммунобиология ва иммуноферментатив диагностика” мутахассислиги бўйича:**

**1.3. “Иммунология ва аллергология” мутахассислиги бўйича**

2. Юқорида келтирилган мавзулар бўйича электрон платформа яратиш.

3. Электрон платформада иштирокчиларга ўқитиладиган маърузалар, адабиётлар, амалий машғулотлар, саволлар тўплами мавжуд бўлиши керак.

4. Билимларни якуний баҳолашни ўтказиш, шу жумладан имтиҳон топшириқларини, тестларни ишлаб чиқиш.

5. Ўрганилаётган мавзулар, илмий фаолият, тадқиқот йўналишларини танлаш ва биотиббиёт соҳасидаги долзарб масалалар бўйича тингловчилар учун тренинглар ўтказиш.

6. Курсни тарғибот қилишда реклама ва тижоратлаштириш учун реклама брошураларини ишлаб чиқиш.

7. Бажарилган ишлар тўғрисида ҳисобот бериш.

**Эслатма:**

1. Маслаҳатчи (эксперт) ўз вазифалари доирасида тайёрланган материалларнинг сифати учун жавобгардир.

2. Маслаҳатчи (эксперт) ўзбек ёки рус ёки инглиз тилларида ҳисобот тайёрлайди.

3. Ҳисобот ўзбек / рус тилларда қоғоз ва электрон шаклда тақдим этилиши керак.

4. Агар буюртмачининг хизматларида шарҳлар/эътирозлар бўлса, маслаҳатчи (эксперт) буюртмачининг изоҳларини/эътирозларини буюртмачи билан келишилган муддатда, лекин буюртмачининг талабини олган пайтдан бошлаб 5 (беш) иш кунидан ошмаган ҳолда тўғрилаши керак.

## V. Ишларни тақдим этиш босқичлари

| # | Ишларни тақдим этиш босқичлари | 2025 год | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Сентябрь | | Октябрь | | Ноябрь | |
| 1 | **Бошланғич ҳисобот** | | | | | | |
| | 1.1 Барча йўналишлар бўйича ўқув дастурини ишлаб чиқиш | | | 1.1 | 1.1 | | |
| | 1.2 Ўқув дастурлари бўйича тақдимот ва Билимларни якуний баҳолашни ўтказиш, жумладан, ўз-ўзини назорат қилиш материалларини, имтиҳон топшириқларини, тестларни ишлаб чиқиш. | | | 1.2 | 1.2 | | |
| 2 | **Якуний ҳисобот** | | | | | | |
| | 1.1 Мавзулар бўйича электрон платформа яратиш | | | | | 2.1 | 2.1 |
| | 1.2 Ўрганилаётган мавзулар, илмий фаолият, тадқиқот йўналишларини танлаш ва биотиббиёт соҳасидаги долзарб масалалар бўйича тингловчилар учун тренинглар ўтказиш. | | | | | 2.2 | 2.2 |
| | 1.3 Курсни тарғибот қилишда реклама ва тижоратлаштириш учун реклама брошураларини ишлаб чиқиш | | | | | 2.3 | 2.3 |
| | 1.4 Бажарилган ишлар тўғрисида якуний ҳисобот топшириш | | | | | | 2.4 |

## VI. Кутилган натижалар

- “Тиббий генетика”, “Иммунобиология ва иммуноферментатив диагностика” ва “Аллергология ва иммунология” мутахассисликлари йўналишида қайта тайёрлаш курслари ташкил этилади.
- Бу курслар бўйича талабгорлар мустақил фойдалана оладиган платформа яратилади.
- 3 та мутахассислик бўйича ҳозирда ечимини кутаётган муаммоларни ҳал қилишда иштирок этадиган билимли кадрлар етиштириб чиқарилади.

## VII. Малакавий талаблар

1. Табиий фанлар бўйича олий маълумотли, биология, кимё, биокимё ёки тиббиёт соҳасида фанлари номзоди PhD ёки фан доктори DSc илмий даражасига эга бўлиши шарт.

| |
|---|
| 2. Илм-фан ва таълим соҳасида 5 йилдан ортик иш тажрибаси бўлиши керак.<br><br>3. Жахон стандартларига мос ўқув дастури ва платформани яратиш учун тажрибали, чет эл ўқув дастурлари бўйича хорижий давлатда таълим олган бўлиши керак.<br><br>4. Нуфузли илмий нашрларда ўз илмий мақолалари бўлиши қўшимча афзаллик сифатида баҳоланади.<br><br>5. Ўзбек ва/ёки рус тилларини мукаммал билиши шарт. Инглиз тилини билиш қўшимча афзаллик сифатида баҳоланади. |

| **VIII. Вазифанинг давомийлиги** |
|---|
| Шартноманинг амал қилиш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 2025-йил 30 ноябргача муддат ичида амалга оширилиб, топширилиши керак. |

| **IX. Ҳисобот топшириш ва тасдиқлаш тартиби** |
|---|
| Маслаҳатчи (эксперт) Техник топшириқда акс эттирилган вазифалар ва мажбуриятларни бажаради, ушбу Техник топшириқда тавсифланган иш жадвалига мувофиқ ҳисоботларни вақтида топширади, бажарилган ишларнинг далолатномаларини тақдим этади ва Марказ раҳбарияти томонидан тасдиқланган ва шу асосда кўрсатилган хизматлар учун тўлов амалга оширилади. |

**X. Тўловлар жадвали**

| № | Топшириладиган натижа | Тўлов/шартноманинг умумий суммасидан % |
|---|---|---|
| 1 | Бошланғич ҳисобот | 50% |
| 2 | Якуний ҳисобот | 50% |
| Тўловлар Марказ раҳбариятининг розилиги, тақдим этилган материаллар, бажарилган ишларнинг имзоланган ҳисоботи асосида амалга оширилади. | | |

**Харид комиссияси аъзолари:**

Холмуродова Д.К

Шаройко В.В

Юлдашев А

Убайдуллаев Ж.Н

Киямова Д.Ш